

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖАТЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР Президентининг СССРда Факултетада ҳолат давлат комитетининг ҳужжатлари Ўзбекистон ССР ҳудудига ҳақиқий эмас, деб ҳисоблаш тўғрисидаги 1991 йил 21 августдаги фармони;

Ўзбекистон ССР Президентининг айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтиши, республика ҳудудига жойлашган СССР Ички ишлар вазириликнинг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилиши, республика ҳудудига жойлашган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва ҳарбий қўшинларининг партиядан ҳоли қилиш тўғрисидаги 1991 йил 25 август фармони;

Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР ҳудудига ўз фаолиятини амалга ошираётган ижодий уюшмалар, қўшнлиги жамиятлар ва фондларни, уларнинг бўлиналари ва қўшналари партиядан ҳоли

қилиш тўғрисидаги 1991 йил 27 август фармони;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг «Ўзбекистон ССР ҳудудига жойлашган иттифоқ бўй сунувчи давлат қўшинлари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтиши тўғрисидаги 1991 йил 22 июль қарори;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг «1991 йилги иттифоқ бюджети тўғрисида»ги СССР қонунини 8-моддасининг амал қилишини Ўзбекистон ССР ҳудудига қисман тўхтатиб туриш ҳақидаги 1991 йил 22 июль қарори тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССР Президентини 1991 йил 25 августда қабул қилган фармонининг партиядан ҳоли қилишга оид 5-банди Ўзбекистон республикаси судлари ва ҳакамлик судларига ҳам дахл этиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИҶДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 31 август.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шарафи ва қадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ҳар кимнинг меҳнат қилиш қобилияти ва ижодий салоҳиятини рўйбга чиқариш, жамоат ва давлат турмушида фаол қатнашиши таъминланади. Ҳеч қандай гуруҳ, партия ёки давлат манфаатлари инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳалқаро ҳужжатларга, бошқа қўйилиши мумкин эмас.

СССР халқ депутатлари

сўзсиз демократия, инсонпарварлик, ижтимоий адолат умумий қонунларида амал қилиб ва ўз таркиби сабоқларида асосланиб, ушбу декларацияни қабул этди.

1-модда. Ҳар бир киши табиқий, ажралмас, дахлсиз ҳуқуқларга ва эркинликларга эгадир. Улар Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига, Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳалқаро ҳужжатларга, бошқа халқаро меъёрларга ва ушбу

декларацияга мувофиқ келиши лозим бўлган қонунларда мустақил равишда берилган.

Барча давлат идоралари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий ижтимоий қадриятлар, деб билиб, уларни таъминлашга ва муҳофаза қилишга мажбурдирлар.

Фуқаро томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа кишиларнинг ҳуқуқларига эид бўлмаслиги лозим.

Ҳар бир киши Конституция

даги вазифаларини бажаради, жамиятнинг нормал ривожланиши учун шу вазифалар бажарилиши зарур.

2-модда. Декларациянинг қондалари бевосита амал қилади ва барча давлат идоралари, мансбодор шахслар, жамоат ташкилотлари, фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурдир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Р. Ҳ. АХМЕДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ИШЛАРИ ВАЗИРИ —
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҚўМОНДОНИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Рустам Ҳасанович Ахмедов Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — миллий гвардия қўмондони этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 10 сентябрь.

Рустам Ҳасанович АХМЕДОВ




1943 йилда Фарғона вилоятининг Бағдод районига туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, брестанк қўшинлари ҳарбий академиясини битирган.

Ҳарбий билим юртини тугаллагандан кейин СССР Қўролли Кучларининг турли қисмларида — танк взводи командиридан Тошкент вилояти фуқаро мудофааси бошчилигини ўринбосари штаб бошлиғигача бўлган лавозимларда хизмат қилди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг депутаты.

Ўзбекистон—Ватаним маним


Қасида — адабий жанрлар орасида энг ҳозиржавоби, жанговари ҳисобланади. Алишер Навоий, Саъдий қасидалари, замонавий Ўзбек шоирларининг Катта уруш йилларида, Катта Фарона каттали қурлиши даврида шу чегараларга асарлари ҳануз ўқувчилар қалбига титроқ солади. Аммо кейинги йиллардаги қасидаларга маҳиябозлик, «ялбай»чилик шу қадар сингиб кетдики, тўғриси, қасида деса, кўнгил қоларлик даражага бориб қолди. Шунинг учун ҳам бир гуруҳ шоирларнинг ушбу қасидасига кўзингиз тушган заҳоти «яна бошланганди-да» деган фикр ҳаёлингиздан ўтиши мумкин, Лекин, уни ўқиб бошлаганингиздан кейин...

Бизнингча, «Мустақиллик қасидаси»да Ўзбекистон ўтмиши, бугуни, келажак ҳақидаги фикрлар, халқимизнинг орзу-армонлари қайноқ эҳтирослар билан куйланган.



Маҳия эмас, Ўзбекистон тарихида олтин ҳарфлар билан муҳриланган кунлар ҳақидаги барнамол асар бу!

Имонимиз қомилки, азиз дўстлар, қасида билан танишганингиздан сўнг сизлар ҳам, албатта, фикримизга қўшиласиз.



Эриб оқди тоғларнинг қори,
Ийглаб кўзин оқди гўнчалар.
Мустақиллик кутган диёрнинг
Соғинчими улуг шунчалар?!
Халқим!
Бахтинг қўшини билан,
Қара,
Ташлаб ярим жаҳонни.
Ўзин иссиқ оташи билан,
Қутлаб турар Ўзбекистонни!
Мустақиллик! Бу нима ўзи?
Нечун бунча ҳайрат ва қувонч?
Нега чақнар шоирнинг кўзи,
Нечун бунча юрак унга оч?

Ҳофизам илдири — олис асрлар,
Хотирамдан ўчмас ола-тасирлар.
Кунтуғардан чиққан хун боласимен,
Тун боласи эмас, кун боласимен.
Емакка илк бора туз солгон бобом,
Юксакка минг бора кўз солгон бобом.
Офтоб-ла туғишган аждодларим бор,
Елғиз халққа аён имдодларим бор.
Юртим сарҳадида нур соқчи бўлган,
Турк илк бор уй қуриб, чироқчи бўлган.
Алп эр Тўнга бобом, ғолиб шер бобом,
Турк ўлмади, қадди тикланди мудом.
Байроғида ҳамон ой, юлдуз уйғоқ,
Тўққиз минг йилдири, ўткир кўз уйғоқ.
Турон эдинг, сен тоғ эдинг, шон эдинг,
Кўк — турк эдинг, кўрк — эдинг.

Туркистон эдинг.
Турк тик бўлган, ёвга чўкка тушмаган,
Ҳақ рост тарихингга қўлка тушмаган.
Китобинг йиртилган, тилланг талланган,
Аммо кўкрагингдан имон қўчмаган!
Беруний, Фарғоний, ибн Синолар,
Илмда тиклаган буюк бинолар,
Жаҳонни сўраган минг-миг донолар,
Ўтмиш сени билган, эрта тан олар.
Ҳайратда қолдирди сайёраларни,
Темир бобом қурган миноралари.
Довруғин тиклади Турон заминни,
Олтин ҳарфла битиб қутлуғ номинини.
Офтобинг нурини яқ қалам айлаб,
Турк сўзин байроғин осмонга бойлаб,
Навоий бобомиз дуолар ўқир,
Девонин ўнамиз ҳар кун авайлаб.
Туркистоним, туркий шоним, турк қоним,
Турк—тик, турк—кўрк, турк кўп туркий жаҳоним.
Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукаммал бўлсин.

Боболар хислатин санаб бирма-бир,
Гурурдан тож кийиш мавруди эмас.
Биз фақат, сочилиб ётган жаҳоҳир —
Барибир жаҳоҳир эрур дедик, бас!
Заминдай яшил тўп сада қайрағоч,
Баргларин зич — шоҳлар ўришганидан.
Биз бормиз — келганда қилич яланғоч,
Боболар қўлга қўл беришганидан.
Нозиклар эшилса, яралиб сиртмоқ,
Йўғонни боғласанг, қолганда туғун,
Ҳоқонлар бирлашмай ўтса-да тарқоқ,
Мана, биз бир халққа айландик бутун!
Қандай унутайлик, «оҳ»лар йиғилган...
Бир шердил азамат чиқмагунча то, —
Она юрт, эл билан бирга турилган.
Наврўз қадамга зор эдик ҳатто!
Ҳа, парча заминга зор эди деҳқон,
Кўкка кўтармоққа — ердан берди жой.
Қабул эт, халқингнинг раҳматин ўғлон,
Бошингдан учмасин ҳеч қачон Хумой!
Саҳнда сўққабош турган қоялар
Асоси бўлгандек яхлит

1991 йилда Навоий

ХАҚДИН ДУРУР ЭЛГА АХЛИ ТАЪНИД УЛМОҚ,
НАВМИД УЛУБ ТОЛИБИ ТАЖРИД УЛМОҚ,
ЧУН ЯЪС ДУРУР ОСУДАИИ ЖОВИД УЛМОҚ,
РОХАТ ЕТУРУР НАФСҚА НАВМИД УЛМОҚ.

Шарқ халқлари тарихида XV асрнинг 1470—1500 йиллари бадий ижод, илм-фан, маданиятнинг раванқи, маърифатпарварлиги, ўқиб, ўқитиб, ободончилиги, аниқлиги, бинокорлиги, қурувчилик соҳалари мисли қўрилмаган даражада натижаларни бўлди. Буларнинг асл сабаби ва асоси, албатта Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий номлари билан бевосита боғланган. Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро бир-бирларига иккибоя тасв